

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

66 Спорт ҳакамлари ва спорт ҳаками тоифалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2324

(2012 йил 16 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 147-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 104-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Спорт ҳакамлари ва спорт ҳаками тоифалари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кирази.

Вазир

Т. ҚЎЗИЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 23 декабрь,
1165-сон

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари вазирининг
2011 йил 23 декабрдаги 1165-сон буйруғига
ИЛОВА

Спорт ҳакамлари ва спорт ҳаками тоифалари тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 147-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 104-модда) мувофиқ спорт ҳакамлик фаолияти ва ҳакамларга тоифаларни бериш тартибини аниқлайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият юритиб келаётган ташкилотлар ҳамда спорт ҳакамлик фаолиятини олиб бораётган жисмоний шахслар учун қўлланилади.

2. Спорт турлари бўйича фаолиятни олиб бориш фақат тегишли тайёргарликка эга бўлган ҳакамларга рухсат этилади.

3. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли органлар — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

спорт ҳаками — спорт мусобақаси ташкилотчиси томонидан вакил қилинган, спорт тури қоидаларига ҳамда спорт мусобақаси тўғрисидаги

низомга (регламентга) риоя этилишини таъминлайдиган, махсус тайёргарликдан ўтган ва тегишли малака тоифасини олган жисмоний шахс;

ҳакам тоифаси — спорт тури бўйича ҳакамнинг малакавий даражаси.

II. Ҳакамлик фаолиятининг вазифалари

4. Спорт турлари бўйича ҳакамлар фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

халқаро спорт ташкилотлари қоидалари, мусобақа низомлари (регламент) ва бошқа ҳужжатлари асосида юқори даражада мусобақаларни ташкил қилиш ва уларда ҳакамлик қилиш;

Ўзбекистон аҳолисининг кенг қатламлари ўртасида спортни оммалаштириш;

спорт турлари бўйича ҳакамлар малакасини ошириш;

ҳакамлик фаолиятига ёш мутахассисларни жалб қилиш.

III. Спорт турлари бўйича ҳакамлар тоифасини бериш

5. Спорт турлари бўйича ҳакамларга қуйидаги тоифалар берилади:

«Халқаро тоифали спорт бўйича ҳакам»;

«Миллий тоифали спорт бўйича ҳакам»;

«Олий тоифали спорт бўйича ҳакам»;

«I тоифали спорт бўйича ҳакам»;

«Спорт бўйича ҳакам».

6. «Халқаро тоифали спорт бўйича ҳакам» тоифаси спорт турлари бўйича тегишли халқаро спорт ташкилотлари томонидан берилади.

7. «Миллий тоифадаги спорт бўйича ҳакам» тоифаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан берилади. Техник ва амалий спорт турлари бўйича «Миллий тоифадаги спорт бўйича ҳакам» тоифаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши томонидан берилади.

8. «Олий тоифали спорт бўйича ҳакам» тоифаси Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари томонидан берилади. Техник ва амалий спорт турлари бўйича «I тоифали спорт бўйича ҳакам» тоифаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши томонидан берилади.

9. «I тоифали спорт бўйича ҳакам» ва «Спорт бўйича ҳакам» тоифаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган спорт ташкилотлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармалари томонидан тасдиқланади.

10. Спорт турлари бўйича тоифаларни олиш учун даъвогарлар ҳужжатлари ваколатли органнинг малака комиссияларида кўриб чиқилади.

IV. Спорт бўйича ҳакамларга тоифалар бериш талабларини тузиш

11. Спорт бўйича ҳакамларга тоифалар бериш талаблари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Олимпия ва Паралимпия ўйинларининг ўтказилиш даврийлигини инобатга олган ҳолда тузилади ва унинг ҳайъат йиғилишида тўрт йилга тасдиқланади.

12. Спорт бўйича ҳакамларга тоифалар бериш талаблари спорт турлари гуруҳлари бўйича алфавит тартибда жойлаштирилади.

13. Талаблар ва уларни бажариш шартлари қуйидаги ташкилотлар тақдимномасига асосан шакллантирилади:

ихтисослаштирилган таълим муассасалари (олимпия резерви коллежлари, олий спорт маҳорати мактаблари ва бошқалар);

Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси, жисмоний тарбия-спорт жамиятлари, спорт турлари бўйича федерациялар, уюшмалар, жамғармалар, жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт клублари ва асосий мақсади жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдан иборат бўлган бошқа жамоат бирлашмалари;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий спорт клуби, «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши (олий спорт маҳорати мактаби таркибига киритилган спорт турлари бундан мустасно).

14. Спорт бўйича ҳакамларга тоифалар бериш талабларига ўзгартишлар ёки қўшимчалар мазкур Низомнинг 13-бандида кўрсатилган ташкилотлар тақдимномасига асосан киритилади.

V. Спорт бўйича ҳакамнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

15. Спорт бўйича ҳакам қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мусобақаларда ҳакамлик қилиш;

ҳакамлик тоифасига ўрнатилган кўкрак нишонини тақиб юриш;

ёш ҳакамларнинг малака ва билимини оширишда қатнашиш;

ҳакамлик тоифасини оширишга даъвогар бўлиш.

16. Спорт тури бўйича ҳакамнинг мажбуриятлари:

мусобақа қоидаларини билиш ва уларнинг талабларига қатъий риоя қилиш;

мусобақаларни юқори даражада ўтказишга кўмаклашиш ва мусобақа ўтказиш даврида юзага келган масалаларга ҳолисона ҳамда ўз вақтида баҳо бериш ва ечимини топиш;

юқори маданиятни ва ҳамжиҳатликни намуна бўлиб кўрсатиш ҳамда қўполлик, тартибсизлик, иштирокчилар (спортчилар, мураббийлар, вакиллар, томошабинлар) томонидан мусобақа ва ахлоқ этикаси қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш;

ҳакамлик тоифасини, жисмоний тайёргарлигини ошириш;
бошқа ҳакамларнинг билим ва тажрибаларини оширишда кўмаклашиш;
спорт турини тарғибот қилишда фаол қатнашиш;
ҳакамлик тоифасидан маҳрум этилганда ёки у пасайтирилганда, ҳакам-
лик гувоҳномаси ва кўкрак нишонини уларни берган ташкилотга ўз вақтида
қайтариб бериш.

VI. Ҳакамлик тоифаларини бериш бўйича малака комиссияси

17. Ҳакамлик тоифаларини бериш бўйича ваколатли орган ҳузурида ма-
лака комиссияси тузилади. Комиссия аъзолари ваколатли орган қарори би-
лан бир йил муддатга тайинланадилар. Комиссия 7 нафар аъзодан иборат
бўлади ва унинг таркибига ваколатли органнинг тегишли бошқармалари,
республика спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)нинг,
спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабларининг
раҳбарлари ёки вакиллари киритилади.

18. Комиссия раиси ва аъзолари ўз хошишига кўра ёки зиммасига юк-
ланган вазифаларни бажаришда аниқланган қоидабузилишлари учун комис-
сия таркибидан муддатидан олдин чиқарилиши мумкин.

19. Комиссия мажлиси унда комиссия аъзоларининг 2/3 қисми қатнаш-
ган тақдирда тўла ҳуқуқли ҳисобланади. Қарорлар очиқ овоз бериш йўли
билан қабул қилинади. Комиссия қарори унинг учун мажлисда қатнашган
комиссия аъзоларининг оддий кўпчилиги овоз берган тақдирда қабул қилин-
ган ҳисобланади. Овозлар тенг бўлган тақдирда раислик қилувчининг ово-
зи ҳал этувчи ҳисобланади.

20. Комиссия мажлислари заруратга кўра, лекин ҳар ойда камида бир
марта ўтказилади. Комиссиянинг навбатдан ташқари мажлислари зарурат
бўлган тақдирда раис томонидан чақирилади.

21. Комиссия қарори баённомалаштирилиши, комиссия аъзолари томо-
нидан имзоланиши ва ваколатли органга тақдим этилиши керак.

VII. Тақдирлаш ва жарималар

22. Мусобақаларда фаол иштирок этганлиги ва ҳолисона ҳакамлик қил-
ганлиги учун ҳакамлар:

мусобақаларни ўтказётган ташкилотлар томонидан сертификатлар,
дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланиши;

йилнинг энг яхши ҳакамлари рўйхатига киритилиши;

кейинги ҳакамлик тоифасини олишга тавсия этилиши мумкин.

23. Спорт бўйича ҳакам ҳакамлик мажбуриятларини сифатсиз бажар-
ганда ёки уларга риоя қилмаган ҳолларда унга нисбатан қуйидаги жарима-
лар қўлланилади:

огоҳлантириш;

мусобақа ҳакамлигидан четлаштириш;
ҳакамлик тоифасини пасайтириш;
ҳакамлик тоифасидан маҳрум этиш.

24. Спорт бўйича ҳакам томонидан ҳакамлик мажбуриятлари сифатсиз бажарилганда ёки уларга риоя қилинмаганда, ушбу ҳолатлар ҳакамлар ҳайъатларида ва спорт федерацияларида кўриб чиқилади.

25. Жарималар ҳар бир ҳакамлар учун юритиладиган шахсий ҳакам маълумотномасига киритилади.

26. Спорт бўйича ҳакам тегишли тоифадан маҳрум этилганидан кейин унга тоифа қайтадан берилиши мумкин. Бунда, спорт бўйича ҳакамлик тоифаси ўрнатилган тартибда тасдиқланган спорт бўйича ҳакамларга тоифалар бериш талаблари такроран бажарилганидан сўнг берилади.

VIII. Ҳакамнинг гувоҳномаси ва кўкрак нишони

27. Барча ҳакамлик гувоҳномалари ва кўкрак нишонлари намуналари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланади.

28. Кўкрак нишони кўкракнинг чап томонига тақилади.

IX. Спорт тури бўйича ҳакамларнинг ҳисоби

29. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари ҳакамлар тоифаларини бериш тўғрисидаги буйруқлар ва қарорлар асосида ҳакамларнинг маълумотномаларини расмийлаштирадилар ҳамда белгиланган тартибда уларни рўйхатга оладилар.

30. Ҳакамлар маълумотномасида бажарилган талаблар, берилган тоифалар ҳамда жарималар белгилаб борилади.

31. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари қўйидаги ҳужжатларни камида тўрт йил мобайнида сақлаши лозим:

ҳакамлик тоифаларини бериш учун тақдимномалар;

ҳакамлик тоифаларини бериш тўғрисидаги тегишли қарор ҳамда буйруқлар;

ҳакамларга гувоҳномалар ва кўкрак нишонлари топширилганлиги тўғрисидаги қайдлов ҳужжатлари.

32. Ҳакамларга «Миллий тоифадаги спорт бўйича ҳакам» тоифаларини бериш тўғрисидаги тегишли қарорлар ҳамда буйруқларнинг сақланиш муддати беш йилни ташкил қилади.

33. «Халқаро тоифадаги спорт бўйича ҳакам» унвони ёки тоифани олган ҳакам Маданият ва спорт ишлари вазирлиги рўйхатидан ўтказилиши шарт.

X. Яқуний қодалар

34. Мазкур Низомда кўрсатилган талабларнинг бузилишига йўл қўйган

шахслар ҳамда жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

35. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши билан келишилган.

Халқ таълими вазири

Т. ШИРИНОВ

2011 йил 19 декабрь

Мудофаа вазири

Қ. БЕРДИЕВ

2011 йил 20 декабрь

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2011 йил 21 декабрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НОРБОЕВА

2011 йил 22 декабрь

*Мудофаага кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташкилоти
Марказий Кенгаши раиси в. б.*

К. МАМЕДОВ

2011 йил 22 декабрь